

ГЕНОМ БЎЙИЧА РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ: ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИМКОНияТЛАРИ.

Яркинбоева М.Р

*Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирлиги Эксперт
- криминалистика бош маркази.*

Аннотация. Ушбу мақолада геномга оид ахборотни тадқиқ қилиш ва унинг натижаларини геном бўйича рўйхатга олиш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, маълумотлар баъзасининг келиб чиқиш тарихи, жаҳон тажрибаси ва ҳозирги замон имкониятлари ҳақида кўриб чиқилади.

Калит сўзлар. Геном, геномга оид ахборот, маълумотлар баъзаси, ДНК.

Авваламбор, биз геном ўзи нима эканлигига бир тўхталиб ўтсак! “Геном” атамаси пайдо бўлганига юз йилдан ошган бўлиб, то ҳозирги вақтгача инсон геномидан фойдаланиш биология, тиббиёт ва криминалистика соҳаларида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Геном – бу организмнинг бутун генетик материали бўлиб, ҳужайрадаги барча ДНКлар йиғиндиси ҳисобланади. Ушбу атамани 1920 – йилда немис олими Г.Винклер томонидан фанга киритилган.¹

Инсон геноми айнан ўзига хос бўлиб, ДНК даражасида аниқланаётган белгилар организмнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг биологик изларида ҳам ўзгармас ҳолатда сақланиб қолади.

Геномга оид ахборот - одамнинг ёки таниб олинмаган мурданинг дезоксирибонуклеин кислотасининг муайян қисмлари тўғрисидаги кодланган ахборотни ўз ичига олган шахсга доир маълумотлар.²

Бугунги кунда оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва олдини олишда, бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш, таниб олинмаган мурдаларнинг (тана қолдиқлари ва қисмлари) шахсини аниқлашда ҳамда шахсларнинг айбсизлигини аниқлашда геномга оид бўлган ахборотлардан

фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Геномга оид ахборот фуқаронинг шахсий сирини ташкил қилганлиги боис, ундан фойдаланиш шахсининг қонун томонидан ҳимояланувчи ҳуқуқ ва эркинликларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасини яратиш бизнинг давлатимизда ҳам қонун миқёсида ҳуқуқий тартибга солинди.

Шунга кўра, Ўзбекистонда Геном маълумотлар базасини яратиш учун аввал мавжуд бўлган хориж маълумотлар базаларини таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Геном бўйича рўйхатга олиш деганда инсон генлари, клонлари, ДНКси ва шахсий маълумотлари ҳақидаги ахборотларни ўз ичига олган, қидиришнинг энг кучли тартибланган ахборотлар омборини тушунишимиз керак.

Геном бўйича давлат рўйхатига олиш - биологик материални олиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш ва йўқ қилиш, шунингдек одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилиш ва (ёки) биологик қариндошликни аниқлаш мақсадида геномга оид ахборотга ишлов бериш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган, давлат органлари ва муассасалари томонидан амалга ошириладиган фаолият.²

Дунёдаги биринчи генетик маълумотлар базаси 1995 йилда Буюк Британияда ташкил этилган ва у NDNAD (ing. National DNA Database) деб номланган.

Шунга ўхшаш маълумотлар базалари бошқа Европа мамлакатларида ва АҚШда яратилди. Бугунги кунга қадар дунёнинг 69 та давлати суд ДНК маълумотлар базасидан фойдаланмоқда, 34 та давлатда эса маълумотлар базалари ривожланишнинг турли босқичлари кечмоқда. АҚШда миллий ДНК маълумотлар базаси CODIS (ing. Combined DNA Index System)дан фойдаланилади.

Францияда ДНК маълумотлар базаси FNAEG (фр. Fichier National Automatisé des empreintes génétiques) 1998 йилдан фойдаланишга топширилган бўлса, Австралияда эса маълумотлар базаси NCIDD (ing. The national criminal investigation DNA database) 2001 йилда ишлаб чиқилган.

2003 йилда Халқаро Интерпол Ташкилоти доирасида “Interpol’s DNA Gateway” ДНК базаси яратилиб, у ISSOL стандарти (Interpol Standard Set of Loci) асосида фаолият кўрсата бошлаган. Ушбу ташкилот бугунги кунга қадар 84 та мамлакат томонидан тақдим этилган 247 мингдан ортиқ ДНК-профиллари сақланади. Бошқа маълумотлар базаларидан фарқли ўлароқ, DNA Gateway фақат маълумотни таққослаш ва алмашиш учун ишлатилади ва аниқ шахсни аниқлашга имкон бермайди, чунки унда идентификация қилувчи шахсий маълумотлар мавжуд эмас. У мустақил маълумотлар базаси сифатида ишлайди ва интерполнинг бошқа маълумотлар базалари билан боғланмаган.³ 2019

йилда халқаро Интерпол ташкилоти томонидан 110 та давлат ўртасида амалга оширилган сўровларда 89 та давлатда ДНК маълумотлари базасидан жиноятларни фош қилиш ва тергов қилишда фойдаланишларини, 70 та давлатда ДНК маълумотлари базаси мавжудлигини, 31 та мамлакатда бедарак йўқолган шахсларнинг ДНК маълумотлари базаси мавжудлигини маълум қилганлар.

Интерпол ДНК маълумотлар базаси нисбатан яқинда ташкил этилган бўлишига қарамай, иштирокчи мамлакатлар томонидан тақдим этилган ижобий натижалар ҳибсга олинган шахсларнинг, ҳодиса жойидан олинган аниқланмаган шахсларнинг, бедарак йўқолган шахсларнинг ҳамда таниб олинмаган мурдаларнинг ДНК-профилларини тақдим этиш нақадар муҳим эканлигини кўрсатиб турибди. Шу боис, Халқаро Интерпол Ташкилотининг ДНК-платформасидан фойдаланиш орқали ҳар бир давлат ўзининг ДНК-профилини хорижий давлатларнинг ДНК маълумотлари базаларидаги маълумотлар билан таққослаш имкониятига эга бўлиши трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш имкониятини оширади.

Мазкур давлатларнинг амалиётдан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам замон талабларига мос автоматлаштирилган криминалистик ахборот-қидирув тизимлари ва ахборот базаларини, хусусан, халқаро нормалар ва стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда Генот ахбороти бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш мақсадида, Ички ишлар вазирлиги Эксперт – криминалистика бош маркази таркибида “Генетик тадқиқотлар ва шахснинг генот ахборотини давлат рўйхатига олиш” бўлими ташкил этилди.

Бугунги кунда генот маълумотлар базасидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- ушбу маълумотлар базалари генетик маълумотларнинг омбори ҳисобланади;
- маълумотлар базалари бир жиноят иши доирасидаги жиноятнинг турли эпизодларини, вақт фарқи билан содир этилган бошқа жиноятлар билан боғлаш имконини беради;
- маълумотлар базалари гумон қилинаётган жиноятчи, жиноят қурбони ёки шахси номаълум мурдани аниқлаш имконини беради;
- маълумотлар базалари кўп йиллар олдин содир этилган жиноятларни очиш имконини беради;
- маълумотлар базалари потенциал ҳуқуқбузар учун тўхтатувчи восита бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, ДНК маълумотлари базасига киритилаётган ДНК профилларини киритишдаги хатоликларга ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Буюк Британия миллий ДНК базасига ДНК профилларини киритиш билан боғлиқ асосий 4 та турдаги хатоликлар юз бериб, булар ДНК-профилини бошқа шахсларнинг ДНК-профили билан жисмонан алмаштириб қўйиш ёки нотўғри расмийлаштириш, намунага ишлов бериш ёки намунани қайд этишда лаборатория ходимлари томонидан намуналарнинг алмашиб ёки аралашиб кетиши, шунингдек, уларнинг нотўғри қайта ишланиши оқибатида ифлосланиши эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли лаборатория ходимлари томонидан

ДНК профилини таҳлил ёки талқин қилишда хатоликларга йўл қўйиши мумкин эмас.

Ҳозирги ривожланиш босқичида жиноят содир этиш усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Уларнинг асосий мақсади жиноят содир этилган жойида қолдириладиган изларни минималлаштиришдан иборат бўлиб, бу эса содир этилган жиноятларни очиш жараёнини қийинлаштирмоқда. Геном ахбороти маълумотлар базаси ёрдамида жиноятларни очиш механизмининг жорий этилиши фош этиш мураккаб, ўта оғир бўлган ёки муқаддам очилмаган жиноятларни очишга кўмаклашади, шунингдек, геном ахборотининг ягона маълумотлар базаси яратилиши бедарак йўқолган шахсларни топиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шахснинг ДНК-профилини маълумотлар базасида сақланиши унинг келгуси жиноятларни содир этишдан тийиб туриши учун, қолаверса, жиноятчиликларни олдини олишда ўзининг юқори ижобий самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. F.G.Aminev, R.R.Garafutdinov, A.V.Chemeris “Human genome from the mother + human genome from the father = personal data. Legal issues of dna-identification of the person and dna-registration of the population” Criminal law sciences.
2. ЎРҚ-649-сон “Геном бўйича давлат рўйхатида олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (<https://lex.uz/docs/5120412>)
- 3.Интерпол.ДНК.<https://www.interpol.int/How-we-work/Forensics/DNA>. 4.Global DNA Profiling Survey Results 2019. <https://www.interpol.int/content/download/15469/file/INTERPOL%20Global%20DNA%20Profiling%20Survey%20Results%202019.pdf>.